



# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 декабрдаги "Давлат хизматида бошқарув самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-243-сон Фармони ижросини таъминлаш, қурилиш соҳасида давлат бошқаруви самардорлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорларга қўрсатилаётган хизматларни соддалаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида қарор қиламан:

#### I. Асосий мақсад

1. Қуйидагилар мазкур Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:  
(а) қурилишга рухсат олишда аҳоли ва тадбиркорларнинг вақт ресурслари ва молиявий харажатларини **2 баробаргача** қисқартириш;  
(б) қурилиш соҳасида **сунъий интеллектни жорий этиш** ва давлат хизматларини кўрсатишда **инсон омиллини қисқартириш**;  
(в) қурилиш жараёнида **шаффолик ва ҳисобдорликни** таъминлаш.

#### II. Давлат хизматларини соддалаштириш

2. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири (кейинги ўринларда - Вазирилик) томонидан Тошкент шаҳрида бино-иншоотларнинг ихтисослаштирилиши ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино-иншоотлар қуришни лойиҳалаштиришга **рухсатнома бериш ва архитек-**

**тура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш** бўйича давлат хизматларини **битта босқичда** кўрсатиш амалиёти жорий қилинганлиги ҳамда ўзининг ижобий натижаларини берганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб республиканинг барча ҳудудларида мазкур Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган давлат хизматларини бирлаштириб, ягона давлат хизмати - **архитектура ва шаҳарсозлик талабини бериш тизими жорий этилсин**. Бунда мазкур талаблар бош режаси рақамлаштирилган аҳоли пунктлари бўйича инсон омилсиз (автоматик равишда) шакллантирилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:  
(а) **2026 йил 1 июндан** объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш **"битта ариза - бир тўлов - барча уланиш нуқталари"** тамойили асосида композит шаклда амалга оширилади;

(б) **2026 йил якунига қадар** Тошкент шаҳри, **2027 йил якунига қадар** қолган ҳудудлар бўйича "Худудий электр тармоқлари" АЖ, "Худудгазтаъминот" АЖ, "Ўзсувтаъминот" АЖ ва бошқа муҳандислик-коммуникация ташкилотларининг тегишли тармоқлардаги юкломалар, мавжуд захира ва уланиш нуқталари ҳақидаги маълумотлари **географик ахборот тизими (GIS)** шаклида **"Рақамли ҳукумат" тизимининг** идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинади.



## Қурилишга рухсат олишда тадбиркорларнинг харажатлари қисқартирилади

Президентимизнинг 2026 йил 4 июндаги "Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида кўра, 2026 йил 1 сентябрдан республиканинг барча ҳудудларида мазкур ҳужжатда назарда тутилган давлат хизматлари бирлаштирилиб, ягона давлат хизмати - архитектура ва шаҳарсозлик талабини бериш тизими жорий этилади.



Саидносир УСМОНОВ,  
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик ахборот хизмати раҳбари.

2026 йил 1 июндан объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш "1 та ариза - 1 тўлов - барча уланиш нуқталари" тамойили асосида композит шаклда амалга оширилади.

Бинонинг конструкцияси, мустақамлиги ва ёнғин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган, қуввати ва мақсади ўзгармаган ҳолда шаҳарсозлик нормаларига эйд бўлмаган лойиҳадаги режавий тузилиш (планировкада) ўзгаришлар мавжуд бўлганда, ушбу бино лойиҳасини шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказишда лойиҳа ҳужжатларини худудий кенгашлар билан қайта келишиш амалиёти бекор қилинади. Шунингдек, қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида аниқланган камчиликларни барта-раф этиш учун қўшимча 5 иш кунни берилади.

2026 йил 1 сентябрдан, қурилиш объектларини назорат қилишда видеокузатув камералардан фойдаланиш ҳамда қурилиш янгидан бошланадиган куйидаги объектларда видеокузатув камераларини мажбурий ўрнатилган қоралари қўрилади:

- тадбиркорлар томонидан қуриладиган кўп квартиралли уй-жойлар, III ва IV тоифадаги ижтимоий соҳа, меҳмонхона, туризм, савдо ва саннат объектларида;
- бюджет ҳисобидан қуриладиган қиймати 3 млрд сўмдан юқори бўлган объектларда.



Угам Ривер Маркази.

## Тошкент вилоятидаги йирик лойиҳалар билан танишилди

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ўзаро тажриба алмаштириш мақсадида Тошкент вилоятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган йирик инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар билан яқиндан танишдилар.

Сафарнинг дастлабки манзили - Чорвоқ дарвозаси бўлди. Меҳмонлар ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, замонавий инфратузилма ечимлари ҳамда туризм салоҳиятини оширишга қaratилган лойиҳалар билан танишдилар. Худуднинг табиий имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги туристик йўналишларни ривожлантириш ва замонавий

объектларни барпо этиш борасидаги тажрибалар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Кейинги манзил Бўстонлиқ туманидаги замонавий рекреация маскан - "Угам Ривер" маркази бўлди. Тоғлар бағрида, Угам дарёсининг шовуллаб оқаётган соҳилида жойлашган ушбу маскан меҳмонларда илқ таассурот қолдирди.

Танишув давомида марказда яратилган қулай шароитлар, меҳмонларга қўрсатилаётган хизматлар сифати, соғломлаштириш ва рекреация йўналишларида амалга оширилаётган ишлар батафсил кўздан кечирилди. Денгиз сатҳидан 950 метр баландликда жойлашган "Угам Ривер" бугунги кунда нафақат маҳаллий аҳоли, балки мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюраётган сайёҳлар учун ҳам жозибадор масканга айланиб бормоқда.

Шунингдек, делегация аъзолари "Чимён" туристик мажмуаси ҳудудида жойлашган "Заб-фарон" меҳмонхонаси фаолияти билан танишиб, меҳмонлар учун яратилган шароитлар ва қўрсатилаётган хизматлар сифатини кўздан кечирдилар.

## Дехқонобод подстанцияси қуввати 4 баробарга оширилмоқда

Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Дехқонобод электр подстанциясида электр таъминоти инфратузилмасини янада мустақамлашга қaratилган йирик модернизация лойиҳаси амалга оширилмоқда.

"Фарғона худудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ томонидан истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, ортиб бораётган юкломаларни барқарор қоплаш мақсадида подстанция қувватини ошириш ишлари олиб борилаётганда.

Лойиҳа доирасида Тошлоқ, Ёзёвон ва Қўштепа туманларининг электр таъминотида муҳим аҳамиятга эга мазкур подстанциядаги 10 минг кВА қувватли трансформатор ўрнига 40 минг



кВА қувватли янги куч трансформатори ўрнатилмоқда. Айни пайтда мутахассислар томонидан ускунани жойлаштириш, монтаж қилиш ва электр тармоқларига улаш ишлари давом этмоқда.

Лойиҳа якунланиши натижасида электр таъминотининг ишончлиги ва сифати ошиб, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш имконияти яратилади.

Шунингдек, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини электр тармоқларига улаш имкониятлари ортиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратилади.

Мутахассислар таъкидлашча, мазкур модернизация лойиҳаси худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилиш баробарида, вилоят энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Дехқонобод подстанциясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

1 Бунда мазкур маълумотлар асосида объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш учун техник шартларни бериш жараёндари бош режа рақамлаштирилган аҳоли пунктларида тўлиқ инсон омилисиз амалга оширилади;

(в) худудий архитектура-шаҳарсозлик кенгайишлари (кейинги ўринларда - худудий кенгайиш) раислик қилиш тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юкланади;

(г) бинонинг конструкцияси, мустаҳкамлиги ва ёнги хавфсизлигига таъсир қилмайдиган, қувати ва мақсади ўзгармаган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига зид бўлмаган лойиҳадаги режавий тузилиш (планировка)да ўзгаришлар мавжуд бўлганда, ушбу бино лойиҳасини шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш жараёнида лойиҳа хужжатларини худудий кенгайтар билан қайта келишиш амалиёти бекор қилинади;

(д) қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун қўшимча 5 иш куни берилди.

### III. Соҳани рақамлаштиришни кенгайтириш ва сунъий интеллектни жорий этиш

5. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда - Инспекция) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(а) қурилиш объектларини назорат қилишда видеокузатув камераларидан фойдаланиш ҳамда улардан олинган маълумотларни Қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказида таҳлил қилиш амалиётида қурилиш янгидан бошланган қуйидаги объектларда видеокузатув камераларини мажбурий ўрнатиш чораларини кўрсин;

(и) тадбиркорлик субъектлари томонидан қуриладиган кўп квартирали уй-жойлар, III ва IV тоифадаги ижтимоий соҳа, меҳмонхона, туризм, савдо ва саноат объектларида;

(ii) бюджет маблағлари ҳисобидан қуриладиган қиймати 3 миллиард сўмдан юқори бўлган объектларда, муҳандислик-коммуникация тармоқлари бундан мустасно;

(б) қурилиш субъектлари томонидан юритилиши мажбурий бўлган ижро хужжатларини рақамлаштириш ҳамда уларни қозғош шаклида талаб этиш тартибини бекор қилсин;

(в) қурилишга рўхсат бериш ва фойдаланишга қабул қилиш бўйича аризаларни сунъий интеллект орқали таҳлил қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этсин.

6. Вазирилик ҳузурида хўжалик ҳисобида фаолият юритадиган давлат муассасаси шаклидаги Шаҳарсозлик соҳасида иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш республика маркази ташкил этилсин ҳамда унинг асосий вазифалари ва функциялари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" электрон платформасини юритиш ҳамда унинг самарали ишлаши билан боғлиқ функцияларни бажариш;

(б) шаҳарсозлик соҳасида нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш;

(в) қурилиш ресурслари бозорини мониторинг ва таҳлил қилиш;

(г) Вазирилик тизимидаги қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг марказлари фаолиятини методологик таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш.

### IV. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат фаолиятини такомиллаштириш

7. Белгилансинки, лойиҳа-қидирув фаолиятини ривожлантириш ва халқро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида:

(а) давлат ҳамда устас фондиди (устас капиталда) давлат улуши камида 50 фоиз бўлган хўжалик жамиятлари ва улар муассислигидаги корхоналарнинг харидлари доирасида лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш хизмати нархини объектларнинг мураккаблик тоифасидан келиб чиққан ҳолда белгилашга рўхсат этилади. Бунда объектлар бўйича муаллифлик назоратини юритиш учун буюртмачи ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида алоҳида шартнома тузилади ва тўлов амалга оширилади;

(б) 2026 йил 1 июлдан бошлаб янги объектлар бўйича лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини бир вақтда амалга ошириш (параллел қурилиш) амалиёти бекор қилинади ҳамда тажриба-синов тарихида босқичма-босқич тайёрланадиган лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш тартиби жорий этилади.

Бунда:

(i) тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ҳамда жалб қилинадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан

молиялаштириладиган объектлар (кўп квартирали уй-жойлар бундан мустасно) бўйича босқичма-босқич тайёрланадиган лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рўхсат берилди;

(ii) қурилиш-монтаж ишлари объектнинг ҳар бир босқичи (қисми) бўйича лойиҳа-смета хужжатлари экспертизадан ўтказилгандан ва Инспекция томонидан рўйхатга олингандан сўнг режа-график асосида бошланади;

(iii) қурилиш-монтаж ишларини белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ олиб бориш жараёндари Инспекция томонидан "Қурилишда давлат назорати" электрон платформасида мониторинг қилиб борилади;

(iv) бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда босқичма-босқич тайёрланадиган лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор (фармойиш)лари билан амалга оширишга йўл қилинади;

(v) Вазирилик Инспекция билан биргаликда 2027 йил якунига қадар тажриба-синовнинг ижобий натижаларига кўра уни давом эттириш ва бошқа йўналишларда татбиқ этиш юзасидан тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

(в) "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида пудратчиси аниқланадиган, шунингдек, қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача бўлган объектларнинг давлат харидлари бўйича техник топшириқларини экспертизадан ўтказиш амалиёти бекор қилинади.

8. Вазирилик манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда пудрат ташкилотларининг лойиҳа асосида жалб этилган махсус техника воситалари "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимининг рейтингини баҳолаш жараёндарида инновация олинишини (зарур маълумотларни тегишли ташкилотларнинг ахборот-дастурий тизимларидан интеграция асосида олган ҳолда) таъминласин.

9. Пудрат ва лойиҳа ташкилотлари уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида 2029 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, қурилиш ишларида фойдаланиладиган махсус техника воситаларини ҳамда лаборатория ва инструментал қуриқ асбоб-ускуналарини олиб киришда божхона божидан озод этилсин. Бунда Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда божхона божидан озод этиладиган махсус техника воситалари рўйхатини тасдиқласин.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилиги, Иқтисодиёт ва молия вазирилиги, Ташқи ишлар вазирилиги, Марказий банк Вазирилик билан биргаликда:

(а) маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларини халқро тендерларда иштирок этишга тайёрлаш ва уларнинг талабларини ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил этсин, бунда ҳар бир худуддан рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган камида 5 тадан лойиҳа ва пудрат ташкилотларини жалб этсин;

(б) юқори малакали ва тажрибали хорижий мутахассисларни консалтинг сифатида жалб қилган ҳолда (тендерларда ютиб бериш мажбурияти билан) тендерларда иштирок этиш, жумладан, тегишли материалларни тайёрлаш, хужжатларни расмийлаштириш, консорциумлар тузиш ҳамда шу каби бошқа ташкилий-техник масалаларни ўргатишни йўлга қўйсин;

(в) 2026 йил 1 августга қадар халқро тендерларда голиб бўлган маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

11. Кўп квартирали уйлардан фойдаланишда назорат тадбирларини кучайтириш мақсадида:

(а) эксплуатация муддати 50 йилдан ошган кўп квартирали уйларда қайта режалаштириш ишларини амалга ошириш таққиқлансин, бундан мустаҳкамлаш ишлари мустасно;

(б) кўп квартирали уйларда қафолат муддати давомиди юзга келган нуқсонларни бартараф этиш бўйича Инспекциянинг курсатмасини бажармаган пудрат ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичларига жарима балларини қўллаш амалиёти жорий этилсин.

### V. Кадрлар салоҳиятини ошириш

12. Бошқарув самарадорлиги агентлиги Вазирилик ва Инспекция билан биргаликда 2026 йил якунига қадар:

(а) Вазирилик ва Инспекциянинг марказий аппарати ва тизим ташкилотлари ходимлари ҳамда лойиҳа ташкилотлари мутахассислари учун шаҳарсозлик, архитектура ва қурилиш соҳаси ривожланган илғор хорижий давлатларда стажировкаларини ташкил этсин. Бунда стажировка дастурининг аниқ мақсад ва натижаларга йўналтирилганлиги, амалий кўникмаларга устуворлик берилганлиги, олинган тажрибани маҳаллий шароитга мослаштириш ҳамда стажировка якунида амалиётга жорий этиш режаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилсин;

(б) соҳани рақамлаштириш ва сунъий интеллектни қўллашни ўргатишда малака ошириш ва ўқув курсларини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқласин.

13. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги Бошқарув самарадорлиги агентлиги ва Вазирилик билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент архитектура-қурилиш университети, Наманган давлат техника университети ва Қарши давлат техника университетига Австриянинг Вена университети ва Италиянинг Аспеница университети билан ҳамкорликда қурилиш ва архитектура бўйича қўшма таълим дастурларини ташкил этиш (ёки филиаллар очиш) тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

### VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Қурилиш соҳасини янада ислоҳ қилиш, айрим тартиб-таомилларни соддалаштириш ва жараёнларни рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартриш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Вазирилик икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.С. Хидоятлов белгилансин.

18. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Тошкент ш., 2026 йил 4 июнь 104-сон	Ш. МИРЗИЕЕВ
---	-------------

Фармон иловалари билан қуйидаги QR-код орқали танишасиз



## Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси тадбиркорлари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Мавжуд муаммолар ва тақлифларни муҳокама қилишди. Мулоқот давомида тадбиркорларни қийнаётган саволларга мутасаддилар томонидан атофлича тушунтириш ва амалий ечимлар берилди. Хусусан, қурилиш жараёнларини рақамлаштириш, рўхсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, соҳада юзга келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз мухбиримиз.

## Урбанизация бўйича ҳамкорлик кучайтирилмоқда

Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси раиси Шерзод Кудбиев ҳамда Жаҳон банкининг шаҳарсозлик масалалари бўйича директори Мин Жанг ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Шунингдек, мавжуд шаҳар худудларини реновация қилиш, муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, замонавий фазовий маълумотлар инфратузилмасини яратиш бўйича фикр алмашилди. Томонлар мазкур йўналишларда халқро тажрибани жорий этиш ва инновацион ёндашувлардан кенг фойдаланиш муҳимлигини таъкидладди. Музокаралар чоғида Жаҳон банки мутахассисларининг урбанизация, шаҳар инфратузилмаси ва худудий ривожланиш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга экспертилик ва маслаҳат кўмагини кўрсатиши билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Шаҳноза Маматурова.

Учрашув якунида томонлар ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўшма ташаббус ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, мамлакат шаҳарлари ва аҳоли пунктларини барқарор ривожлантиришга қаратилган сый-ҳаракатларни изчил давом эттириш юзасидан келишувга эришди.

# Шаффофлик ва ҳалоллик – коррупцияга қарши энг кучли қурол

Коррупцияга қарши курашиш масаласи муҳокамада.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилиги биносида "Иссиқликтаъминоти" акциядорлик жамияти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги худудий "Иссиқлик таъминоти" МЧЖ ходимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Алишер ЮСУПОВ, "Иссиқликтаъминоти" АЖ Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс бўлими бошлиғи.



Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилиги вакиллари иштирок этишди. Унда коррупциянинг олдин олиш ва унга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш, шунингдек, иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш юзасидан берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилинди.

Шунингдек, тадбирда сўз олган "Иссиқликтаъминоти" акциядорлик жамиятининг Бошқарув раиси Илҳом Тўраев соҳада коррупциянинг олдин олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш, фидойилик, ҳалоллик, ҳолислик, очикилик, шаффофлик асосида ишчи муҳитни ташкил этиш, тегишли идоралар билан биргаликда энг пастки бунгига тушган ҳолда соҳада коррупцияга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш каби масалалар юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

Йиғилишда аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, иссиқлик таъминоти соҳасини ислоҳ қилиш, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда энергия йўқотишларини камайтириш, дебитор-кредитор қарздорликлар ва кунлик тушумнинг ҳолати, иссиқлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларини хатловдан ўтказиш ва ҳисоблагичларни ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, иссиқлик таъминоти корхоналаридаги муаммолар таҳлил этилди. Жумладан, худудий ташкилотлар томонидан истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар учун

тўловларни ўтқизиш бўйича белгиланган графикдан урда қолиши дебитор қарздорликларнинг кескин ошишига олиб келмоқда. Бугунги кунда Республика бўйича 185 миллиард сўм дебитор қарздорликлар мавжуд бўлса, шунинг 125 миллиард сўми ёки 70 фоизи 4 та (Навоий Ангрэн Олмалик ва Фарғона) корхона ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, жорий йилнинг 1 май ҳолатига ундирилган лозим бўлган қарздорликлар 527,5 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 341 миллиард сўм ёки 65 фоизи ундирилган. Молиявий ҳисоботлардан ташқари, иссиқлик таъминоти объектларини эксплуатация қилиш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари бўйича ҳисоботлар билан ишлаш ҳолати ҳам қониқарсиз аҳолида. Қозонхоналарда тегишли тартибда ҳисоблаш ускуналари ўрнатилмаганлиги ва электр ҳисоботи бўйича шартномалар нотўғри тузилганлиги сабабли электр таъминоти учун 931 миллион сўм жарима тўланган.

Қорхоналар томонидан жамиятга берилаётган ҳисоботлар асосида ҳисобланганда қозонхоналарнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) Жиззах вилоятида 160 фоиз, Наманган вилоятида 139 фоиз, Самарқанд вилоятида 152 фоиз, Сирдарё вилоятида 195 фоизни кўрсатмоқда. Бу кўрсаткичлар худудлар томонидан етказиб берилган иссиқлик энергиясини ошириб кўрсатиш оқибатида шаклланмоқда. Жорий йилнинг апрель ойи учун топширилган тасдиқланган ҳисоботларида 1036,5 минг м<sup>3</sup> газ сарфланганлиги кўрсатилган. Ушбу кўрсаткичларга асосан, қозонхонанинг фойдали иш коэффициенти 47 фоизни ташкил этиб, бундай паст кўрсаткичлар саноат қозонхоналари иссиқлик энергиясини бемасар сарфлаётганини билдиради. Афсусланарлиси, мантисксиз рақамлар асосида тузилган ҳисоб фактуралари ташкилот раҳбарлари томонидан ҳеч қандай таҳлил қилинмасдан тасдиқланган. Жамият томонидан ушбу ҳолат

аниқланиб, ҳисоб-фактуралар таҳлил қилинганда аслида ҳолат 536 минг м<sup>3</sup> газ сарфланганлиги аниқланиб, қайта ҳисоб-китоб қилиш бўйича топшириқ берилган. Шунингдек ташкилот раҳбарларнинг совуққонлиги ва масъул ходимларнинг назоратсизлиги мунтазам кузатилаётган. Ҳолат бўйича тегишли текширувлар ўтказилди, қатъий чоралар қўрилиши таъминланади.

Шу ўринда, баъзи жойларда иссиқлик энергияси йўқотишларини қисқартриш бўйича ҳам амалий чоралар қўрилиётгани кузатилаётган. Мисол учун, Андижон вилояти "Иссиқлик таъминоти" МЧЖда йўқотишлар норматив бўйича 15 фоиз бўлса, амалда 25 фоизни, Жиззах вилоятида норматив бўйича 6,8 фоиз, амалда 28 фоиз, Ангрэн шаҳар норматив бўйича 16 фоиз, амалда 40 фоиз, Қирғули тумани норматив бўйича 32 фоиз амалда 36 фоиз иссиқлик энергияси йўқотилган.

Булардан ташқари, ижро интизоми бўйича ўтган 6 ой давомида жамият ва тизим ташкилотларида едо.йго.уз электрон тизими орқали жами 6 102 та хужжатлар рўйхатга олинган. Шундан 5 896 таси ўз вақтида бажарилган, қолган 891 та топшириқ ва хужжатларнинг ижро муддатлари борлиги сабабли назоратда турибди.

Ўтган вақт мубайнида Қашқадарё вилояти "Иссиқлик таъминоти" МЧЖ ходимларининг масъулиятсизлиги сабабли 7 та топшириқнинг муддати, "Бухороненергомказ" АЖ масъуллари томонидан 1 та топшириқнинг муддати бузилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси (cabinetpm2.gov.uz) орқали 580 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 538 таси қаноатлантирилган, 318 таси ижобий ҳал этилган. Мурожаатчилар томонидан кўтарилган айрим муаммолар ҳал этилмаганлиги сабабли 50 та мурожаат тақририй йўлланган.



## “Арда Хива” халқаро туризм аренасида янги бренд

Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми (ПМЭФ) доирасида Ўзбекистоннинг энг йирик туристик лойиҳаларидан бири – “Арда Хива” туристик мажмуасини халқаро бозорларда тарғиб қилишга қаратилган муҳим ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Туристтик инфратузилмани бошқариш ва ривожлантириш соҳасидаги етакчи Россия компанияларидан бири – “Cronwell Development” ҳамда Россиянинг йирик онлайн саёҳатлар агрегатори – “Островок” ўртасида имзоланган келишув Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилоятида жойлашган кўп тармоқли “Арда Хива” туристик мажмуасини халқаро майдонда илгари суришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг амалий натижаси сифатида баҳоланмоқда. Бу ислохотлар мамлакат туристик инфратузилмасини модернизация қилиш, бой тарихий-маданий меросни жаҳон туристик маршрутларига интеграция қилиш ҳамда хоржий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга қаратилган.

Эришилган келишувларга мувофиқ, томонлар “Арда Хива” мажмуасини Россия ва бошқа истиқболли бозорларда тарғиб қилиш, янги туристик маҳсулотлар ишлаб чиқиш, халқаро кўрғазма ва форумларда иштирок этиш, шунингдек, ишбилармонлик алоқалари ва шериклик муносабатларини кенгайтириш бўйича ҳамкорлик қилади. Келишувни “Кронвелл Девелопмент” МЧЖ бош директори Алексей Мусакин ва “Бронирование гостиниц” (“Островок”) МЧЖ бош директори Дарья Кочеткова имзолади. Шунингдек, томонлар режалаштирилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича амалий “йўл харитаси” вазифини ўтайдиган кўшма чора-тадбирлар режасини ҳам тасдиқладилар.

▼ “Арда Хива” туристик мажмуаси.



Мутахассислар фикрича, мазкур келишув Ўзбекистоннинг туристик экспортини кенгайтириш, Россиядан келувчи сайёҳлар оқимини ошириш ҳамда қадимий Хиванинг минтақанинг муҳим туристик марказларидан бири сифатидаги халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Экспертларнинг таъкидлашича, ушбу ҳамкорлик нафақат “Арда Хива” мажмуаси, балки бутун Хоразм вилояти ва Ўзбекистон туризм соҳаси учун янги имкониятлар эшигини очади. Бу эса, мамлакатнинг бой тарихий-маданий мероси, замонавий туристик инфратузилмаси ва очик инвестиция сиёсати халқаро майдонда янада кенг тарғиб қилинишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

## Меҳмонхона ишга тушди

Бухоро шаҳрида “Poyleft Bukhara Old City” меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Меҳмонхонанинг тантанали очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳоқими Ботир Зарипов, Ўзбекистон ҳусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси раиси Гүлчехра Исроилова, туризм соҳаси вакиллари, тadbirkorлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Статистик маълумотларга кўра, 2026 йилнинг биринчи чорагида Бухоро вилоятига 2 миллион 137 нафар сайёҳ ташриф буюрган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги 1 миллион 625 минг нафар сайёҳга нисбатан қарийб 1,3 баробарга ошган.

Янги меҳмонхона “Poyleft Bukhara” меҳмонхоналар тармоғининг бешинчи объекти ҳисобланади. Бунга қадар мазкур тармоқнинг Хожа Анжир Фағнавий, Хожа Ориф Ревғарий, Саййид Мир Қуллол, Баҳовуддин Нақшбанд мажмуаси

худудларида жойлашган меҳмонхоналари муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Миллий меъморилик анъаналари ва замонавий дизайн ечимларини ўзида мужассам этган “Poyleft Bukhara Old City” меҳмонхонаси сайёҳларга юқори даражадаги қўлайликларни тақдим этади. Мажмуада 129 та замонавий хона ташкил этилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида 248 нафар меҳмонни қабул қилиш имконияти яратилган.

Эътиборлиси, янги меҳмонхона фақат туризм инфратузилмасини кенгайтириш билан чекланиб қолмай, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшади. Унда 100 нафарга яқин ёшлар доимий иш ўринлари билан таъминланди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Зариф Комилов.

Меҳмонхонанинг ишга туширилиши Бухоронинг халқаро туризм бозоридagi рақобатбардошлигини янада ошириш, зиёрат туризми имкониятларини кенгайтириш ва вилоят иқтисодига қўшимча инвестициялар жалб этишга хизмат қилади.



▲ Бухоро шаҳрида “Poyleft Bukhara Old City” меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Тохир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.



## 5 миллион долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди

Бугунги кунда шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган корхоналар қурилиш, қишлоқ хўжалиги ҳамда халқ истеъмолчи маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ички бозорни таъминлаш билан бир қаторда қўшни ва хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ана шундай корхоналардан бири “Чирчик” кимё-индустриал технопарки худудига Россиянинг “VR Plast” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,4 миллион доллар. Корхона фаолият бошлаганига кўп вақт бўлмасда, замонавий лабораториялар, инновацион ишлаб чиқариш линиялари ҳамда юқори технологиялардан самарали фойдаланиш натижасида тайёрланаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларда ўз ўрнига эга бўлиб улгурди.

Корхонада эшик ва дераза ромлари зичлағичлари, электротехника соҳаси учун турли полимер маҳсулотлар, юқори босимга чидамли термоэластомерлар, шунингдек, техник ва озик-овқат саноати учун мўлжалланган ўндан ортиқ турдаги шланг ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг асосий афзаллиги – мустаҳкамлиги, деформацияга чидамлилиги ва ташқи муҳит таъсирига юқори бардошлилиги билан изоҳланади. Шу

боис, мазкур маҳсулотлар қурилиш, автомобиль саноати, озик-овқат ишлаб чиқариш ва электротехника тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Сифатли ва халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган маҳсулот ҳар доим харидорини топади. Ҳамкорлик асосида фаолият юритаётган “VR Plast” корхонаси бу борада сезиларли натижаларга эришмоқда. Хусусан, 2025 йилда 103 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Россия, Туркия, Эрон, Афғонистон ҳамда бошқа қатор давлатларга умумий 5 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

Муваффақиятнинг яна бир омил – ишлаб чиқаришнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга йўналтирилганидир. Ўтган йили корхона томонидан 8,5 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Бу борада замонавий тадқиқот марказида олиб борилаётган илмий-амалий ишлар алоҳида аҳамиятга эга. Аини пайтда бу ерда Осие ва Европа бозорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда термоэластопластларнинг янги рецептуралари яратилмоқда. Шу билан бирга, зичлағичлар ва юқори босимли шланглар халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунда корхона жамоаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини янада оширишга қаратилган бир неча истиқболли лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Уларни йил охирига қадар амалга ошириш натижасида 177 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт улушини 60 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу эса, нафақат ички бозор эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, балки Марказий Осие ва бошқа ташқи бозорларда ҳам “VR Plast” корхонасининг нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## Иқлим нега ўзгариб кетяпти?

Айни ёз фасли бўлишига қарамай, эрталаб чарақлаб турган куюш тушиликдан сўнг тўсатдан йўқолиб, ўрнига чанг-тўзонли шамол бошланса ёки шариллаб ёмғир ёғворса, ҳайрон бўлмай иложи йўқ. “Ҳа, энди, табиат ҳодисасида” дейишимиз мумкин. Аммо бугунги кунда содир бўлаётган экологик вазиятлар фақатгина табиатнинг шунчаки инжиқликлари ёки табиий жараёнга ўхшамаслиги. Кунора қаернидир сел босгани ёки бошқа жойда ноодатий шаклдаги дўл ёққанини кўриб, эртаминдан хавотирга тушмай иложи йўқ.

Райҳона ХУЖАЕВА,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.



Оқибати аллақачон сезилаётган иқлим ўзгариши нималарга сабаб бўлмоқда? Олимлар бу борада қандай тадқиқотларни амалга оширяпти?

Иқлим ўзгариши оқибатида кутб музликларининг эриши сабабли Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши секинлашмоқда. Бу кун давомийлигини ҳар асрда 1,33 миллионияга узайтираётган бўлиб, сўнгги 3,6 миллион йил ичидаги “мисли кўрилмаган” кўрсаткичдир. Бу ҳақда Вена университети ва Циорих технология институти олимлари олиб борган тадқиқотта таяниб, ВВС Science Focus хабар берди.

“Ернинг айланиш энергиясидаги ўзгариш магнитудаси 9,0 балл бўлган зилзилага тенгдир”, дейди тадқиқотнинг бош муаллифи Мустафо Киани Шахванди. Тадқиқот ҳаммуаллифи Бенедикт Сояннинг аниқлик қиритишича, бунинг учун тахминан 1000 гигагонна массанинг қай-

та тақсимланиши талаб этилади, бу Нью-Йорк тепасида буйи 10 километрлик муз қуби пайдо бўлиши билан баробардир.

“Инсоннинг Ер тизимига кўрсатаётган таъсири шу қадар чуқурлашдики, биз энди Ер айланишининг асл табиатини ўзгартирмаймиз”, дейди Бенедикт Соя.

Глобал исинишнинг сайёра айланишига кўрсатаётган оқибатларини олимлар “омилларнинг идеал тарзда мос келиши” деб атаган: нозик муз қатламлари ва карбонат ангидрид (CO<sub>2</sub>) газининг табиий равишда кўпайиши бундан қарийб 2 миллион йил аввал ҳам кенг қўламли муз эришига сабаб бўлган. Бироқ инсоният фаолияти атиги бир аср ичида ўша даврдagi табиий куч билан тенглашиб олган.

Прогнозларга кўра, аср якунига бориб иқлим ўзгариши сутка узайишининг бош омилига айланади ва бу борада Ойнинг гравитацион таъсири ҳам ортада қолдиради. Бундай ўзгаришлар GPS тизимларининг ўта аниқликдаги синхронизацияси учун ўта хаффи ҳисобланади.

Аввалги тадқиқот маълумотларига кўра, музликларнинг эриши аллақачон сайёра шаклини ўзгартириб, уни кўтбардан янада яссироқ ҳолатга келтирган ва асосий массани кўтбардан экваторга томон сурган. Шу билан бирга, 2024 йилдаёқ олимлар ушбу жараён аср охирига бориб кун давомийлигининг 2,62 миллионияга узайишига олиб келишини аниқлашган.

Жаҳон метеорология ташкилотининг яқинда эълон қилинган ҳисоботига кўра, 2025 йилда Ернинг энергетик дисбаланси (муносабатлиги) кузатувлар тарихидаги энг юқори рекорд даражага етган.

## “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ

акциядорлари диққатига!

Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг шу манзилда жойлашган мажлислар залида 2026 йил 30 июнь куни соат 10.00 дан бошлаб жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қиламиз.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи эга акциядорлар рўйхати 2026 йил 24 июнь ҳолати билан тузилади.

### Кун тартиби:

1. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг санок комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.
2. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, бизнес-режа ва ўрта муддатта белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқаруви ҳисоботи муҳокама.
3. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича миллий аудит стандартларидан, халқаро аудит стандартларидан ва тасдиқланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК)

қиймати ҳамда аудиторлик корхонасининг бу борадаги ҳулосасидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви ҳулосаларини кўриб чиқиш.

4. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ кузатув кенгашининг 2025 йил якуни билан ҳисоботини кўриб чиқиш.

5. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2025 йил якунига кўра қимматли коғозлар бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаши.

6. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2025 йил якуни билан олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш.

7. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг ижроия органига 2026 йилда тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини тасдиқлаш.

8. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларини маъқуллаш.

9. Жамиятнинг 2026 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

10. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ бош директори лавозимига танлов якуни натижаларини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2026 йил 8 июнь ҳолатига тузилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи эга бўлган акциядорлар реестри 2026 йил 24 июнь ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2026 йилнинг 30 июнь куни соат 9.00 дан бошлаб юқоридagi манзилда амалга оширилади.

Йиғилишда акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вақиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материал)лар билан танишиш учун Жамият акциядорлари билан корпоратив муносабатлар хизматига мурожаат қилиш мумкин.

**E-mail:** mngm01@mail.ru, mngm07@mail.ru  
**Тел.:** 97-229-12-73.

Йиғилишда қатнашувчиларни рўйхатга олиш 2026 йил 8 июнь куни соат 9.00 дан соат 10.00 гача давом этади.

Акциядорлардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари сўралади.

“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ кузатув кенгаши.



# “Қанотли муҳандислар” ҳақида биласизми?

**Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,**  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги замонавий қурилиш саноти энергиятежамкорлик, иқлимга мослашув ва барқарор архитектура тамойилларига тобора кўпроқ мурожаат қилаётган бир пайтда, айрим қушларнинг инлари инсоният қураётган энг замонавий бинолардан ҳам қизиқарли ғояларни тақлиф этмоқда. Олимлар бугунги кунда кўплаб инновацион қурилиш ечимларини айнан табиатдаги конструкцияларни кузатиш орқали ишлаб чиқмоқда.

## Табиат мўъжизалари

Бугунги кунда шундай қушлар борки, улар қурган инлар барчани лол қолдиради. Хусусан, Sociable Weaver қушлари шулар сирасига қиради. Улар қурган инларга чўлининг “осмонўпар турар жойи” дея таъриф берилди.

Агар қушлар орасида ҳақиқий қурилиш компанияси бўлганида, шубҳасиз, булар – Sociable Weaver қушларига тегишли бўларди. Жанубий Африка ва Намибия чўлларида яшовчи ушбу майда қушлар дунёдаги энг катта коллектив қуш инларини яратди. Баъзи инларда 100 дан ортиқ жуфт қуш биргаликда яшайди ва улар бир неча авлод давомида фойдаланилиши мумкин. Айрим конструкциялар эса 100 йилдан ортиқ вақт сақланиб қолган. Бу улкан инлар ташқаридан қараганда пичан билан қопланган кўп қаватли турар жойларга ўхшайди. Ички қисми эса ўнлаб хоналардан иборат мураккаб тизимни ташкил этади. Энг қизиқ томони шундаки, ушбу инлар табиий кондиционер вазифасини бажаради. Тадқиқотлар ички ҳарорат ташқи муҳитга нисбатан анча барқарор сақланишини кўрсатган.

Бугунги замонавий қурилишда айнан шу тамойил “пассив совутиш” ва “энергия самардорлиги” деб аталади. Масалан, БАА, Сингапур ёки Саудия Арабистонида қуриладиган янги авлод экологик биноларида энергия сарфини камай-

тириш учун табиий шамоллатиш ва иссиқликни бошқарувчи фасадлар қўлланоқда. Sociable Weaver қушлари эса бу технологияни миллион йиллар аввал ўзлаштирган. Қолаверса, ушбу инлар яна бир жиҳатдан замонавий “ақлли шаҳар” концепциясига ўхшайди. Ҳар бир қушнинг ўз хонаси мавжуд бўлсада, барчаси умумий конструкция ичида фаолият юритади. Бу эса, бугунги кўп функцияли турар жой мажмуалари концепциясининг табиатдаги аналоги ҳисобланади.

Кейинги тоифадаги Bowerbird қушлари эса дизайн ва эстетика устаси ҳисобланади. Архитектура фақат мустаҳкамлик эмас, балки эстетика ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Австралия ва Янги Гвинеяда яшовчи Bowerbird қушлари ҳақиқий дизайнер ҳисобланади. Қизиги шундаки, улар қурадиган “bower”лар аслида ин эмас. Бу конструкциялар урғочи қушларни жалб қилиш учун яратилган махсус санъат асарларидир. Эрақ қушлар турли рангдаги тошлар, гуллар, қобик бўлаклар ва ҳатто инсонлар ташлаб кетган пластик буюмларни йиғиб, маълум ранглар уйғунлигида жойлаштирилади. Айрим ҳолларда улар рангларни саралаб, деярли профессионал интерьер дизайнерлари каби ишлайди.

Замонавий архитектура ҳам айнан шу йўналишда ривожланмоқда. Бугунги кунда бионинг қиймати нафақат унинг функционалиги, балки визуал жозибдорлиги билан ҳам белгиланади. Дубай, Токио ва Нью-Йоркдаги кўплаб замонавий иншоотлар инсонларда ҳиссий таассурот уйғотиш учун лойиҳалаштирилади. Bowerbirdнинг фаолияти “эмоционал дизайн” тушунчасига жуда яқин. Ин конструкцияни нафақат яшаш учун, балки бошқаларнинг эътиборини торттиш учун яратди. Бу эса бугунги архитектура маркетинги ва брендининг табиатдаги энг қадимги кўринишларидан биридир.

Мутахассисларнинг фикрича, Bowerbird қушлари инсонлардан ташқари эстетик композиция ва ранг уйғунлигини онгли равишда қўлайдиган кам сонли мавжудотлар қаторига қиради.

Навбатдаги Вауа Weaver қушлари бугунги муҳандислик ва аэродинамика мўъжизаси ҳисобланади. Осиё ва Ҳиндистон ҳудудларида яшовчи Вауа Weaver қушлари қурадиган инлар кўпинча замонавий осма кўприклар ёки эко-

логик павильонларни эслагани. Уларнинг инлари дархат шохларидан осилиб туради ва мураккаб тўкиш технологияси асосида қурилади. Ҳар бир толача маълум нуқталарда боғланиб, бутун конструкция шамол ва ёмғирга чидамли ҳолга келтирилади. Тадқиқотчилар бу қушлар юзлаб ўсимлик тоаларини бир-биринга улаш орқали фавқулодда мустаҳкам структура ҳосил қилишини қайд этишган.

Муҳандислик нуқтаи назаридан қараганда, бу инлар бугунги “tensile architecture” – яъни тортилиш кучи асосида ишлайдиган конструкцияларга жуда ўхшайди. Машиқур стадион томлари, осма кўприклар ва замонавий павильонларнинг кўпчилиги айнан шу принцип асосида қурилади. Вауа Weaver инларининг кириш қисми узун туннель шаклида бўлиб, йиртқичлардан ҳимоя вазифасини бажаради. Бу эса, замонавий хавфсизлик архитектураси ва назорат зоналарини эслагани.

Қушларнинг яна бир муҳим жиҳати, у энг кам материал сарфи билан максимал мустаҳкамликка эришади. Бугунги қурилиш саноти ҳам айнан шу мақсад – кам ресурс билан юқори самарадорликка интиломоқда.

## Биоимикрия – замонавий технология

Бугунги кунда дунё архитектурасида табиатдан андоза олиш, яъни биоимикрия тушунчаси тобора кенгаймоқда. Биоимикрия – бу табиатдаги ечимларни ўрганиб, уларни технологияда ва қурилишда қўллаш демакдир. Қуш инлари эса ушбу йўналишнинг энг ёрқин намуналари ҳисобланади. Олимлар ҳатто қуш инларининг механик тузилишини янги авлод қурилиш материаллари яратиш соҳасида ҳам қўлламоқда.

Sociable Weaver бизга энергия самардорлигини, Bowerbird эстетик дизайнни, Вауа Weaver эса, минимал материал билан максимал мустаҳкамликни ўргатади. Шундай экан, инсоният энг замонавий осмонўпар биноларни қураётган бир даврда ҳам табиат хали-ҳануз энг буюк меймор бўлиб қолмоқда. Чунки баъзан бир қушнинг кичик ини минглаб саҳифалик архитектура дарслигидан кўпроқ билим бера олади.

## Фахрийлар

# Бош режаларни ишлаб чиқишда катта тажрибага эга

Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Абдурахим Рашидов 1952 йил Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1975 йили Тошкент Политехника институтининг архитектура мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлаб, иш фаолиятини “Ўзгипросвязь” лойиҳа институтида инженер сифатида бошлаган.

**Шерзод НИЗАМОВ,**  
Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Меҳнатга бўлган масъулиятли муносабати, касбий маҳорати ва ташкилотчилик қобилияти туфайли қисқа вақт ичида жамоа орасида хурмат қозонган.

Мутахассислиги бўйича соҳада 45 йил меҳнат стажига эга Абдурахим Рашидов фаолияти давомида “Ўзгипросвязь” лойиҳа институтида катта инженер, “Ўзгипротехбит” лойиҳа институтида гуруҳ раҳбари, “Ўзгипротехбит” лойиҳа институтида лойиҳа бош муҳандиси, “Мумтоз тожмаҳал” хусусий корхонасида архитектор, Тошкент вилояти Архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармасида аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш бўлимида мутахассис, бўлим бошлиғи ва бошқарма бошлиқ ўринбосари лавозимларида ишлаган. У ўзи меҳнат қилган жамоаларда самарали ишлаб, аҳоли яшаш жойлари ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича бош режаларни ишлаб чиқиш жараёнига катта ҳисса қўшган. Буларнинг бари унинг учун катта амалиёт, улкан масъулият ва ҳақиқий муҳандислик мактаби бўлди.

Малакали мутахассис фаолияти давомида юртимиз бунёдкорлик соҳасига катта ҳисса қўшиб, Тошкент вилоятида объектларни joyлаштиришда бош режаларга амал қилиниши бўйича ишларни олиб борган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга




ошириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2005 йил 30 августдаги ПҚ-165-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда бош режаларни ишлаб чиқишда зарур бўлган лойиҳа оиди ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида “Тошкентбощиплан ЛИТИ” ва “ЎзГАШКЛИТИ” каби лойиҳа институтлари билан биргаликда самарали иш олиб борган. Тошкент вилоятида 6 та шаҳар, 15 та туман маркази ва 7 та шаҳар посёлкасининг бош режаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган.

Булардан ташқари, А. Рашидов Тошкент вилоятидаги 65 та қишлоқ ўҳжаллиги корхона-

наси ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам фалол қатнашган. Тошкент вилояти ҳудудидан ўтган магистраль автомобиль йўллари ободонлаштириш ва кўкмазморлаштириш ҳамда архитектура концепцияларини ишлаб чиқишда лойиҳа институтлари иштирокида шаҳар ва туман бош архитекторларига амалий ёрдам берган.

Устоз бугун нафақадан бўлсада, ҳамон ёш кадрларга, шогирдларига соҳа сирларини ўргатишга бош-қош бўлиб келмоқда.



**Тахрир хайъати:**  
Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

**Тахририят:**  
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов  
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева  
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов  
Мусахҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ мутахассислари:**  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “Ўзгеорангмент ЛИТИ” ДУК.

**Тахририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:**  
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2026 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюртма – Г-641. 1414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 2300.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 9 - 11 июнь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Бухгалтерия бош мутахассиси **Ўткирбек Ҳамзаев**, Халқаро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Шухрат Зокиров**, вазирилик иш юритувчиси **Нафиса Қодирова**, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти (Самарқанд вилояти бўйича) бош мутахассиси **Дилшод Мўминов**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими етакчи мутахассиси **Сардорбек Захриддинов**, “Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” етакчи мутахассиси **Шаҳзод Эшмуродов**, “Qishloqqurilishlohiya” ДМ етакчи муҳандиси **Шерзод Турғунбоев**, “Узоғирсанотлоиҳа” АЖ ООРТР етакчи муҳандиси **Ноҳира Саатова**, “O'zshaharsozlik LITI” ДМ архитектура-қури-

лиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устаханаси лойиҳа бош архитектори **Рустам Жўраев**, “Бухоро” филиали лойиҳа бош муҳандиси **Асилбек Жўраев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси **Надира Ембергенова**,

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Абборжон Зиёдуллаев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Асқод Қурбонов**,

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Иссиқлик таъминоти тизимларини эксплуатация қилиш бошқармаси бош мутахассиси **Муҳиддин Низамутдинов**, ҳайдовчи **Ҳабибулла Тошпўлатов**, “Бухоро” филиали қозонхона оператори **Лазиз Сафаров**, “Қашқадарё” филиали ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи **Рустам Алиев**, “Тошкент вилояти” филиали Авария хизмати ва таъмирлаш механика бўлими Электр жиҳозларини таъмирлаш бўйича электрик **Юлдош Тоиров**, “Тошкент тумани” филиали қозонхонага хиз-

мат кўрсатиш бўйича чилангар **Муроджон Ваҳобов**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари **Нодиржон Максумов**, Кўп квартиралли уй-жой фондидан техник фойдаланиш қондаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Қундуз Шарипова**, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги “Денов янги макон уйлари” БСК МЧЖ бош директори **Хуришд Зоиров**, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги “Урганч мегаполис ПБК” МЧЖ бош директори **Музаффар Аллақулов**, Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги “Umid 1 Ya” БСК МЧЖ бош директори **Азамат Калонов**, Олмазор туманидаги “Olmazor Kommunal Baraka” БСК МЧЖ бош директори **Гулчеҳра Гаиповаларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сийхат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

## “O'ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА 2026 йил учун обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today